**РЎЙХАТГА ОЛИНГАН**
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2022 йил «16» февраль
69/5 -сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг
биринчи ўринбосари

_____________ Б.Э. Захидов

# “КАПИТАЛБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР

“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки
Кузатув кенгаши томонидан
2022 йил 11 февралда

**“Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н”**

(9-сонли баённома)

Кузатув кенгаши раиси

_____________ М.А. Абдусамадов

**Тошкент-2022**

**“Капиталбанк” АТБ Кузатув кенгашининг қарорига асосан Банк Уставига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:**

1. **21-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Банкнинг Устав капитали 407 385 173 100,00 (тўрт юз етти миллиард уч юз саксон беш миллион бир юз еттмиш уч минг бир юз) сўмни ташкил қилади ва қуйидаги акцияларга тақсимланган:

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумуий сони 388 826 498 (уч юз саксон сакиз миллион саккиз юз йигирма олти минг тўрт юз тўққсон саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумуий сони 40 000 000 (қирк миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар”.

2. **22-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Банк Устав капиталини кўпайтириш мақсадида чиқарилиши эълон қилинган акцияларнинг суммаси 948 346 893 600,00 (тўққиз юз қириқ саккиз миллиард уч юз қириқ олти миллион саккиз юз тўқсон уч минг олти юз) сўмни ташкил қилади, шу жумладан:

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумуий қиймати 786 346 889 600,00 (етти юз саксон олти миллиард уч юз қириқ олти миллион саккиз юз саксон тўққиз минг олти юз) сўм бўлган, 827 733 568,00 (саккиз юз йигирма етти миллион етти юз ўттиз уч минг беш юз олтмиш саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумуий қиймати 162 000 004 000,00 (бир юз олтмиш икки миллиард тўрт минг) сўм бўлган, 170 526 320 (бир юз етмиш миллион беш юз йигирма олти минг уч юз йигирма) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар”.

Банк томонидан эълон қилинган акцияларни жойлаштириш номинал қийматдан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Банк кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда жойлаштириш нархи уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган нархдан кам (паст) бўлмаслиги керак”.

## «КАПИТАЛБАНК» АТБ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ БАЁНИ.

**9-сон**

| | |
|---|---|
| **Ташкент ш.** | **2022 йил 11 февраль** |
| Махтумқули кўчаси, 1 | соат 15.00 |

| | |
|---|---|
| Банк Кузатув кенгаши раиси: | Абдусамадов Махсуд Абдувалиевич |
| Банк Кузатув кенгаши аъзолари: | Абдусамадов Равшан Абдувалиевич |
| | Губайдулин Алексей Фаритович |
| | Маматбаев Яхёжон Самижонович |
| Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси: | Гулямов Расулжан Тахирович |

**Таклиф қилинди:**

Банкнинг корпоратив маслаҳатчиси Худайберганов Анурбек Самандарович

**Мажлисни ўтказиш учун кворум 100 фоиз.**

**КУН ТАРТИБИ:**

“Капиталбанк” АТБ шакиллантирилган устав капиталини тасдиқлаш ва Банк Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

***Кун тартиби бўйича таклиф ва эътирозлар келиб тушмади.***
***Кун тартиби бир овоздан тасдиқланди.***

**Кун тартиби бўйича:** Банкнинг корпоратив маслаҳатчиси Худайберганов А.С. сўзга чиқиб, Банк капиталлашуви даражасини ошириш, инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида фаол иштирок этиш мақсадида, банк қуйидаги эмиссия шартлари бўйича 2022 йил 21 январда РО314-22-сон билан 22 - қўшимча акциялар рисоласини рўйхатдан ўтказган эди:

1. эгасиниг номи ёзилган акциялар тури: оддий акциялар
2. акциялар шакли: ҳужжатсиз;
3. акцияларнинг номинал қиймати: 950 сўм;
4. акциялар сони: 32 986 654 дона;
5. умумий ҳажми: 31 337 321 300 сўм;
6. акцияларни жойлаштириш усули: ёпиқ обуна асосида;
7. акцияларни жойлаштириш муддати: 60 кун.

2022 йил 08 февраль ҳолатига банкнинг қўшимча акциялари банк акциядорлари ўртасида тўлиқ жойлаштирилди.

Бугунги кунда, Банк устави бўйича Банкнинг рўйхатдан ўтган устав капитали 376 047 851 800 сўмни, муомалага киритилган қўшимча акцияларни ҳисобга олган ҳолда шаклланган устав капитали: 407 385 173 100 сўмни ташкил қилмоқда.

Банк уставининг 63.31.-бандига асосан Банк Кузатув кенгашига жойлаштирилган қўшимча акцияларни ҳисобга олган ҳолда, Банкнинг шакиллантирилган устав капиталини тасдиқлашни ва Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқишни таклиф қиламиз.

Шунингдек, ушбу масала бўйича Банк Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари сўзга чиқдилар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб,** тақдим этилган хужжатларни Банк Кузатув кенгаши кўриб чиқиб, 63.31.-бандига асосан, 63 Низомнинг Кузатув кенгаши акциядорлик тижорат банки тўғрисидаги “Капиталбанк” (янги таҳрири) **“Капиталбанк” АТБ Кузатув Кенгаши**

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.1. “Капиталбанк” АТБнинг шакиллантирилган Устав капитали 407 385 173 100 (тўрт юз етти миллиард уч юз саксон беш миллион бир юз еттмиш уч минг бир юз) сўм деб тасдиқлансин.

1.2. “Капиталбанк” АТБ Уставига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

1.3. Банк корпоратив маслаҳатчиси А.С. Худайбергановга “Капиталбанк” АТБ Уставига киритилган ўзгартиришларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

***Банк кузатув кенгашининг барча аъзолари маъқуллаб овоз бердилар.***
***Қарор бир овоздан қабул қилинди.***

***Эслатма:*** *Банк кузатув кенгашининг ушбу баёни 2022 йил 11 февралда ўзбек тилида 2 (икки) нусхада, 2 (икки) варақда тузилди.*

Абдусамадов Махсуд Абдувалиевич ____________

Абдусамадов Равшан Абдувалиевич ____________

Губайдулин Алексей Фаритович ____________

Маматбаев Яхёжон Самижонович ____________

Гулямов Расулжан Тахирович ____________

**Баённомани тузди:**
Худайберганов А.С. ________

**KAPITALBANK**
**Aksiyadorlik Tijorat Banki**

Ro'yxat raqami 01/ПО-0251
2022 yil «11» 02

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банкига**

"Капиталбанк" акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгашининг 2022 йил 11 февралдаги мажлисида (9-сонли баённома) "Капиталбанк" акциядорлик тижорат банкининг Уставига ўзгартиришлар киритилди.

Банк Уставига киритилган ўзгартиришларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз.

Рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни иловага мувофиқ тақдим қиламиз.

Илова: "8" варақда.

Ҳурмат билан,

**Кузатув кенгаши раиси** **Абдусамадов М.А.**

0100

espublikasi, Toshkent 100047, Sayilgoh ko'chasi, 7-uy, Tel.: (998 71) 200-15-15, Faks: (998 71) 232-26-07, E-mail: info@kapitalbank.uz, Bank kodi: 01088

**Тикилган ва рақамланган**

5 (беш)

**варақдан иборат**

17 февраль 2022 йил

**Имзо**

Devonxona
Chancellery